

Қадимий Лангар Қуръони Диний идорага топширилди



16:30 / 20.04.2019 2436

Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раҳбари Фирдавс Абдухолиқов 2019 йил 19 апрель куни Катта Лангар Қуръонининг факсимиле нусхасини Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовга тақдим этди.

Шунингдек, Президент томонидан Ислom дини қадриятларини асраб-авайлашга қаратилган ташаббусларига мос равишда миллий ассоциацияси раҳбари томонидан масжид-мадрасалардаги қадимий битикларни тадқиқ этиш ва халқимизга етказишда жуда катта ишлар қилинганини муфтий Усмонхон Алимов алоҳида қайд этди.

Хусусан, Қуръони каримнинг ушбу нусхаси жуда ҳам табарруқ экани, уни Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг музей-кутубхонасига жойлаштирилишини билдириб ўтди. Муфтий жумладан, қадимий қўлёзма асарларнинг юртимизга олиб келишда Диний идора ва уламолар ҳамкорлик қилишга доим тайёр эканини таъкидлади. Миллий ассоциацияси раҳбари айна вақтда хориж мамлакатларида сақланаётган улў мутафаккирларимиз битган, қадимий қўлёзма асарларнинг

факсимиле нусхаларини юртимизга олиб келиш саъй-ҳаракатлари олиб борилаётганини айтди. Мисол учун қадимий Катта Лангар Қуръонининг мазкур факсимиле нусхаси, бошланган ишларнинг илк натижаси эканини таъкидлади. Ислом динининг асосий манбаси ҳисобланган Қуръони каримнинг энг қадимий нусхалари халқимизнинг бебаҳо мероси сифатида қадрланади. Ҳозирда маънавий мерослардан бири бўлган VIII асрга оид Катта Лангар Қуръонининг 13 та саҳифаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси музей-кутубхонасида сақланмоқда. Эндиликда унинг ёнида қолган саҳифаларнинг факсимиле нусхаси ҳам ўрин оладиган бўлди.









